



АБУ ҲУРАЙРА Р.А.ГА ҚИЛИНГАН ТУҲМАТЛАРНИ БАРТАРАФ  
ҚИЛИШДА ТАРИХИЙ МАНБАЛАР АСОСИДА ЗАМОНАВИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Имом Бухорий халқаро  
илмий-тадқиқот маркази  
Мустақил тадқиқотчиси (PhD)  
Ҳадис илми мактаби ректори  
Юсупов Олимжон Исоқович

**Аннотатсия:** Ушбу мақолада Ислом оламида энг кўп ҳадис ривоят қилган ҳамда у кишининг ривоятлари барча муҳаддисларнинг китобларида асосий ровийлар қаторида туриши билан машҳурдир. Барча замонларда бўлгани каби бу кишига нисбатан ҳам турли фирқалар турли ёлғон ва туҳматлар қилганлиги тарихий ҳақиқатдир. Ушбу мақолада бу каби қилинган ишларни асосли бартараф этишнинг тарихий манбалар замонавий методлар орқали тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** Абу Ҳурайра, мўътазила, мусташрик, Имом Бухорий, Маҳмуд ибн Райя, Каъбул Аҳбор, Васат, Жомеъ, Зиндик, Бидоя, Ибн Касир, Юсуф, Азво алас – Сунна, Имом Термизий, Саҳоба.

Ушбу мақолада Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан энг кўп ривоят қилган улуғ саҳоба Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга Наззомия мусулмон мўътазила фирқаси ва мусташрик фалсафачиларидан таъсирланган кишилар томонидан қилинган туҳматларга раддия беришни мақсад қилдик. Бунга асос қилиб Муҳаммад Абу Шаҳбанинг “**Дифоъун анис сунна ва радда шубҳатил мусташриқийн вал куттабил муъосирийн**” (Суннатни ҳимоя қилиш, мусташрик ва замондош ёзувчиларга раддия) китобини илмий мақола объекти қилиб танладик. Мазкур китобда асосан Абу Райянинг китобига раддия ўлароқ илмий далиллар тақдим қилинган.

Биз мазкур ва ундан бошқа адабиётлардан фойдаланган ҳолда уларни эътиборингизга ҳавола қиламиз. Шоядки, бугунги кунда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ва Имом Бухорийга туҳмат қилаётган суннат инкорчилари ҳамда уларнинг тарафдорлари ҳақиқатдан огоҳ бўлиб, тўғри йўлга тушсалар. Тавфиқ Аллохдандир. Авваламбор, бу икки муаллиф ҳақида маълумот берсак.

**Маҳмуд Абу Райя**  
(1889-1970)

“Маҳмуд Абу Райя 1889 йили 15 декабрда Мисрнинг Дақҳалия муҳофазасида туғилган. Олий диний таълимни олган. Умрининг кўпроқ қисмини Мисрнинг Мансура шаҳрида ўтказган. 1957 йилда Жизага кўчиб борган ва умрининг охиригача



ўша ерда яшаган. Ковлий суннатлар ва баъзи муҳаддислар бўйича қилган тадқиқотлари билан машҳур бўлган. Суннатун Набавий ва хоссатан Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан қилинган ривоятларни ёлғон-тўқима дейишга журъат қилган ва бу борада алоҳида китоб ёзган.

Абу Ҳурайра розияллоху анху борасида шундай дейди: “Абу Ҳурайра розияллоху анху Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан бор-йўғи бир йилу тўққиз ой яшаган. Лекин кўп ривоятларни қилган. У кўплаб исроилиёт хабарларни Каъбул Ахбор яхудийдан қилганда нисбатни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга берган. Ваҳолангки, Каъбул Ахбор Умар розияллоху анху даврида Исломга кирган”.

“Азвоу алас суннатил Муҳаммадия” (Муҳаммадий суннатига кўра зиёлар) китоби машҳур асаридир. Бу китоб унинг ҳаётлик даврида 2 йил мобайнида 3 бора Қоҳира ва Лубноннинг “Шарқ”, “Дорул Маориф” каби машҳур босмаҳоналарида нашр қилинган.

Абу Райя мазкур китобида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам суннатларига таъна-маломат етказишга ҳаракат қилган. Саҳобаларнинг устидан кулиб, уларнинг шаънларини ерга урган. Жумладан, Набий Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳадисларидаги тўқималар ва ровийларидаги “Исроилиёт”дан ривоят қилувчиларининг кўп эканини ва бундан ташқари, ҳадисларнинг айтилган тарихи борасида ёлғон саналадиган маълумотлар борлигини ўзининг “Қиссатул ҳадис ал-Муҳаммадий” (Муҳаммадий ҳадис қиссаси) китобида иддао қилган.

Бу китоблари чиққанидан кейин унга кўплаб забардаст олимлар раддия билдириб китоблар ёзган. Жумладан Муаллими раҳимахуллоҳ ўзларининг “Ал Анвор ал Кашифа лима фил китаб Азвои алас суннати миназ залал ват тазлил вал мужозифа” китобида Абу Райянинг китобини ўқиб, ўрганиб чиққани ва унда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатларига қилинган таъналар жамлаб, тартибланганини айтган. Бундан ташқари Аллома Шайх Муҳаммад Абдураззоқ ўлим тўшагида ётганида Абу Райянинг китобига раддия бергани айтилади. Абу Райя 1970 йил 11 декабрь куни 81 ёшида Жизада вафот этди.

### **Муҳаммад Абу Шаҳба (1914-1983)**

Муҳаммад Абу Шаҳба 1914 йил 15 сентябрда мисрда туғилган. Отаси у туғилганида Қуръон ёдлашлиги ва Азҳари шариф илмий халқаларида дарс олишини назр қилади. Шу ниятига кўра уни тўрт ёшида Қуръон ўқиш ва ёзишни ўрганиши учун мактабга беради. Тўққиз ёшида Қуръони каримнинг ярмини, ўн икки ёшида тўлиқ ёдлаб тугатади. 1925 йилда Дасуқдаги диний мактабда, 1930 йилда Тантодаги ўрта мактабда таълим олади. 1935 йилда Усул ад дин факультетига ўқишга кириб 1935 йилда талабаларнинг энг саралари ҳисобида олий дипломни қўлга киритади. Сўнг



тафсир ва ҳадис илмлари борасида магистрлик ўқишини давом эттиради. 1944-1946 йилларда докторлик ишини ёзиб тугатади.

Муҳаммад Абу Шаҳба ҳаёти давомида шуҳратга ва мансабга интилмаган, ишини жимгина қиладиган холис олимлардан эди. Шунинг учун ҳам уни фақатгина толиби илмлар танишарди ва замондошлари уни “улуғлар отаси”, яъни энг улуғ инсон, дея номлашган эди. Муҳаммад Абу Шаҳба муфассир, ўз асрида ҳадис бўйича тенги кам бўлган, ҳаётини суннати Набавий хизматига бағишлаган олим. Ўқишни муваффақиятли тугатгач Азҳари шариф, Саъудия, Бағдод ва Судан университетларида дарс беради. Унинг 22 та асари бор.

Муҳаммад Абу Шаҳба бутун умрини илмга, Исломга бағишлади. 1983 йил 15 июлда 69 ёшида Мисрнинг Мадинати Наср шаҳрида вафот этди.

### Исломда саҳобаларнинг ўрни

Абу Раййа ўз китобида буюк саҳоба Абу Ҳурайра розияллоху анхунинг таржимаи ҳолига ҳам тўхталиб, эллик бетдан ошиқ жойни банд қилган бу таржимаи ҳолда барча таъналарни битта қолдирмай саҳобага отиб чиққан. Бу етмаганидек, Абу Ҳурайра розияллоху анхуга бағишланган бу мавзу остида бошқа саҳобаларни ҳам ёмонлаган. Жумхур аҳли илмлар қабул қилган **“Саҳобаларнинг барчаси адолатлидир”** деган қонидани оёқ ости қилган. Саҳобалар айтмаган гапларни айтди, деб тухматлар қилган. Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, ҳақ қарор топиши учун бошқа раддиялар қатори саҳобалар розияллоху анхум мавзусига ҳам тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Уламолар, ҳадис имомлари наздида саҳоба – Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга мўмин ҳолатида йўлиққан ва иймонда вафот этган инсондир. Шу таърифга кўра, муртад бўлиб, муртад ҳолида вафот этса, саҳобалиги кетади. Аммо тавба қилиб, исломга қайтса, саҳиҳроқ қавлга кўра, унга яна саҳобалик нисбати берилади. Зоҳирдан мусулмон кўриниб, ичида куфр эътиқодда бўлган мунофиқлар ҳам саҳоба саналишмайди. Жумхур уламолар саҳоба бўлиш учун узоқ вақт Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан бирга бўлиш, бирга Аллоҳ йўлида жиҳодларга чиқиш, инфоқлар қилиш керак, деган шартни кўйишмаган. Бу баъзи олимларгина шарт қилиб: Ҳеч бўлмаганда бир-иккита ғазот қилган бўлсин, деганлар.

Кўпчилик уламолар юқоридаги шартларни кўйишмаса-да, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан бирга яшаган, ҳадислар эшитган, бирга ғазот қилган, у зотга ёрдам бериш учун жонию молини фидо қилган саҳобалар бошқа саҳобалардан афзалроқ ва буюкроқ эканини очиқ айтишган.

Ҳофиз Ибн Ҳажар “Шарху Нухбатил фикар” китобида айтади: “Набий соллаллоху алайҳи васалламни лозим тутган, у зот билан бир сафда жанг қилган, у зотнинг байроқлари остида жон берган саҳобалар у зотни лозим тутмаган, ғазотга чиқмаган, озгина бирга бўлган, санокли марта суҳбатлашган, узоқдан қараган ёки ёшлигида кўрган саҳобалардан устун турадилар. Лекин умумий олганда барчалари



саҳобий саналишади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадис эшитмаган саҳоба агар у зотдан ҳадис ривоят қилса, ушбу ҳадис мурсал саналади, аммо саҳобалик шарафига эришганлари боис саҳобалар сафида зикр қилинаверишади”.

Аллоҳ таоло шу маънога эътиборимизни қаратиб, марҳамат қилади:

**Сизлардан ҳеч ким фатҳдан илгари нафақа қилганларга ва урушга қатнашганларга баробар бўла олмас. Уларнинг даражалари фатҳдан сўнг нафақа қилгани ва урушда қатнашганлардан кўра буюқдир. Аллоҳ барчаларига яхшилиқни ваъда қилган. Ва Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан хабардордир.**<sup>33</sup>

Саҳобаларнинг барчалари адолатли саналишади. Жумхур муҳаддислар, фақиҳлар ва усул уламолари наздида барча саҳобалар адолатлидир. Бунинг маъноси шуки, улар иймонлари кучли, тақво ва мурувватлари юқори, ахлоқлари гўзал, кераксиз ишлардан узоқ зотлар бўлишгани учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қасддан ёлғон тўқишмайди. Аммо бу улар гуноҳлардан, адашиш ва қоқилишлардан маъсум бўлишган дегани эмас, албатта. Бу гапни биронта олим айтмаган. Жумладан, уларнинг адолатли эканида ҳам ҳеч ким ихтилоф қилмаган. Бир тоифа бидъатчилар хилоф қилган, холос.

Саҳобалар адолатли эканининг далили Аллоҳ таоло уларни пок, умматнинг энг яхшилари, адолатли ва тақводорлари эканини айтганидир. Аллоҳ таоло айтади:

**“Ана шундай қилиб, одамлар устидан гувоҳ бўлишингиз ва Расул устингиздан гувоҳ бўлиши учун сизларни ўрта миллат қилдик”.**<sup>34</sup>

Оятдаги “Васат” дегани энг яхши, адолатли, ўрта деганидир. Зеро, ҳар нарсанинг ўртаси энг яхши ва адолатли нуқтаси бўлади. Бошқа оятда айтади:

**“Одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат бўлдингиз. Амри маъруф қиласиз, наҳйи мункар қиласиз ва Аллоҳга имон келтирасиз.”**<sup>35</sup>. Шубҳасиз, юқорида икки оят аввало саҳобаларни ўз ичига олади.

Саҳобаларни мақтайдиган, уларнинг фазли ва устунлигини эълон қиладиган, содиқ иймонлари ва ихлосларини ҳамда юксак ахлоқларини изҳор қиладиган оятлар жуда бисёр. Еру осмонларда бирон нарсдан беҳабар бўлмайдиган Зот – Аллоҳ таолонинг мақташиданда буюкроқ мақтов борми? Ким ҳам Аллоҳдан кўра ростгўй бўларди?!

Шунингдек, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам саҳобаларнинг адолатли эканини таъкидлаб ўтганлар. У зотларнинг фазл ва фазилатлари кўп бўлгани учун ҳақларига риоя қилишга, ҳурмат кўрсатишга, уларга озор бермасликка ва номларини поймол қилмасликка буюрганлар.

<sup>33</sup> Ҳадид сураси, 10-оят. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони карим ўзбекча маънолари таржимаси. Туркия диёнат ишлари бошқармаси. Истанбул. 2017. В-338.

<sup>34</sup>Бақара сураси, 143-оят. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони карим ўзбекча маънолари таржимаси. Туркия диёнат ишлари бошқармаси. Истанбул. 2017. В-15.

<sup>35</sup>Оли Имрон сураси, 110-оят. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони карим ўзбекча маънолари таржимаси. Туркия диёнат ишлари бошқармаси. Истанбул. 2017. В-38.



Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **“Саҳобаларимни сўкманг. Жоним кўлида бўлган Зотга қасамки, биронтангиз Ухуд тоғичалик тилло садақа қилсангиз ҳам уларнинг бир муд, ҳатто ярим муд ҳам сақада қилганларига ета олмайсиз”, дедилар.**<sup>36</sup>

Имом Термизий “Жомеъ”сида, Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”ида Абдуллоҳ ибн Муғаффалдан ривоят қилади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар:

**“Саҳобаларим борасида Аллоҳдан кўрқинг, Аллоҳдан кўрқинг. Мендан сўнг уларни нишон қилиб олманглар. Ким уларни яхши кўрса, мени яхши кўргани учун уларни яхши кўрибди. Ким уларни ёмон кўрса, мени ёмон кўргани учун уларни ёмон кўрибди. Ким уларга озор берса, менга ҳам озор берган бўлади. Ким менга озор берса, Аллоҳга “озор” берган бўлади. Ким Аллоҳга “озор” берса, уни (азоби ила) ушлашлиги яқиндир”.**

Бу маънодаги ҳадис ва асарлар кўп бўлиб, саҳобаларнинг фазли борасида биз шу билан кифояланамиз. Саҳобалар тарихи ва сийратларини ўқиган, уларнинг илми, амали, тақвоси, покдамон хулқлари, нафсу ҳаво ва ҳаром шаҳватлардан узоқда бўлганларини билган одам буни теран англаб етади. Катта саҳобалар, айниқса, рошид халифалар ҳар бир саҳобанинг, ҳатто Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни бир марта кўрган саҳобанинг ҳам фазлини назардан четда қолдиришмаган.

Ривоят қилинишича, Умар Форук розияллоху анхунинг олдида ансорларни мазах қилган бир бадавий одамни олиб келишибди. Шунда Умар розияллоху анху: **“У Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга саҳоба бўлиш орқали эришган фазли бўлмаганида ўзим билардим уни нима қилишни. Аммо саҳобалиги бор экан”,** дейдилар.<sup>37</sup>

Уламоларимиз мазкур барча фазилатларни англаб етишган эди. Ҳофиз Аҳмад Байҳақий ривоят қиладики, тақвоси, ақли, илми ва заковатини барча эътироф этган Имом Шофеъий аввалги “Рисола” китобларида саҳобаларни зикр қилиб, улар лойиқ бўлган мақтовлар билан мақтаган. Жумладан, шундай деган: **“Саҳобалар илмда, ижтиҳодда, тавқо ва ақлда ҳамда ҳукм истинбот қилинадиган ишларда биздан устундирлар. Уларнинг фикрлари биз учун ўз фикрларимиздан ҳам яхшироқ ва авлороқдир”.**<sup>38</sup>

Имом Абу Зуръа Розий айтади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг биронта саҳобаларига тил узатаётган бирон кимсани кўрсанг, билки у одам зиндик<sup>39</sup> бўлади. Сабаби, Пайғамбар ҳам, Қуръон ҳақ, ундаги оятлар ҳам ҳақ. Буларни эса бизга фақатгина саҳобалар етказиб беришган. Анави зиндиклар эса Қуръон ва ҳадисларни

<sup>36</sup>Имом Термизий. Сунан Термизий. 4234 рақамли ҳасан саҳиҳ ҳадис.

<sup>37</sup>Имом Бағавий “Ҳадис Али ибн Жаъд” китобида зикр қилган.

<sup>38</sup>Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис сунна. Дорул Қудус ал Арабий. Қоҳира.2019 йил. В.202.

<sup>39</sup>Зиндик—адашган, пасткаш, зоҳирида имонли кўринган, аслида кофир кимса маъносида.



йўқ қилиш учун шоҳидларимиз бўлган саҳобаларга таъна етказишмоқда. Уларнинг ўзлари таънага лойиқ кимсалардир. Улар зиндиқ инсонлардир”.<sup>40</sup>

Улуғ саҳоба Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳучалик ноҳақ танқидий ўқлар отилган бирор бир саҳоба бўлмаса керак. Бу айбловларнинг илдизи узоқ тарихга бориб тақалади. Аллома ибн Қутайба ўзининг “Ихтилофли ҳадисларнинг ечими” номли асарида Наззом ва унга эргашган аҳли бидъатлар томонидан Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга бўҳтонлар қилинганини айтган. Исломи динида етук уламолардан бўлган кишилар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуни обрў - мартабаларини туширадиган бирон нарсада айблаганларини учратилмаган. Аммо баъзи бир мусташриклар, юқоридаги туҳматчиларни гапларига алданишди. Кейин бизга ўзларини ҳали пишиб етилмаган фикрларию, ноҳақ айбловларини рўбарў қилишди.

Шу ўринда мусташриклардан таъсирланган суннат инкорчиларининг бу хийлалари ортидан ғаразли мақсадларни кўзлашганидан огоҳлантириб кўйишни маъқул топдим. Улар баъзан саҳобаларга, баъзан эса ҳадисларга таъна қилиш билан ислом шариатининг иккинчи ўзаги бўлмиш суннат борасида мусулмонлар орасида шубҳа кўзгатмоқчи бўладилар. Бордию мусулмонлар у борасида шак-шубҳага бориб қолишса, Қуръонни тушинишлари ва ундаги маъноларни тўлиқ англаб етишлари кийин бўлиб қолади. Чунки суннат Қуръон оятларини шарҳлаб, маъноларини баён қилиб берадиган манбадир. Агар Қуръон мусулмонларга бегона китобдек бўлиб қолса, унда ислом ва мусулмон уммати ҳалокатга юз тутади.

Улар бугунги мусулмонларнинг баъзи китобларига ўз таъсирини ўтказмай қолишмади. Мусташрикларнинг бу ботил даъволарига улар ўз асарларида эргашиб, ҳужжати бўлмаган гапларни қайта-қайта келтиришди. Бу ҳам етмаганидек, уларнинг гапларига баъзи бир қўшимчалар ҳам киритишди. Мана буларнинг ҳаммаси илмий изланиш ва мунозара шиори остида ўзларининг “заҳар”ларини сочишди. Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, улар ўйлаган бу ишлари соф илм ва ҳақиқий баҳс-мунозарадан йироқдир.

“Азво алас-Сунна” китобининг муаллифи Абу Райъа келиб, ана улар айтган гапларини такрорлади. Нафақат такрорлаш, балки у оловга ёғ сепди. У ўз китобида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шиори остида мавзу бошлаб, уни ҳар қандай бўҳтон гаплар билан тўлдириб ташлади. Қолаверса, бу иши билан Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ва бошқа саҳобаларга ҳужумга ўтиб, уларни ёлғончилик ва ҳадис тўқишликда айблади. Ибн Қутайба ўз китобларида Наззом ва унга эргашганларнинг нақл қилган гапларини пойма-пой, битта қолдирмасдан кўчириб олган.<sup>41</sup>

<sup>40</sup>Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис сунна. Дорул Қудус ал Арабий. Қоҳира.2019 йил. В.202.

<sup>41</sup>Наззомия фирқаси мусулмон мўътазила фирқаси саналади. Унинг асосчиси Иброҳим ибн Саййор ибн Ҳоний Наззом ал Басрий. 777 мелодий санада Басрада туғилган. Фалсафачилардан таъсирланган. Абу Ҳузайл Аллоф кўлида мўтазила талимотини олган. Мўтазиланинг энг катта олимларидан бўлган. Кейинроқ ундан ажраб ўзи алоҳида мустақил Наззомия мазҳабига асос солган. 36та китоб ёзган. Шогирди Жохиз уни сифатлаб туриб, “Ҳар минг йилда бир келадиган шахс”, “замонасида тенгсиз” эканини айтган. Аҳмад Амин: “Мўътазилалар ундан



Муаллиф Абу Раййа ўзининг мақсадига етишиш йўлида нақлларни баъзи қисмларини кесиб, баъзиларига чекланди. Бу худди Нисо сурасининг 43-оятдаги **“Намозга яқин келманглар...”** жумласини олиб, **“... маст бўлган ҳолингизда”** жумласини тарк қилишга ўхшайди. Улар баъзи бир саҳиҳ ривоятларни ўзларига тўғри келмагани учун тарк қилиб, бошқа ўзларига мувофиқ бўлган заиф ривоятларни далил қилишади.

Бу, яъни Абу Раййа қилган ишни кўрсатиб бериш борасидаги иқтибос инсоф доирасида амалга оширилганини исботи учун у келтирган воқеаларни айрим қисмлари кесиб ташланганликларига қуйидаги мисолларни келтирамиз: **“Абу Ҳурайра розияллоху анхуни ёлғончиликда айблаганидаги келтирган далили қуйидагича: “Зубайр у (Абу Ҳурайра)нинг ҳадисларини эшитганида: “рост, ёлғон”, - деди.**<sup>42</sup>

Бу ҳадисни матнidan Зубайр розияллоху анху Абу Ҳурайра розияллоху анхуни ёлғон ҳадис тўқишда айблаганидек кўринади. Аслида эса бу матн тўлалигича келтирилса, ҳақиқат аён бўлади. **“Ал-бидая ван-ниҳая”** китобининг муаллифи шундай келтиради: **“Урва ибн Зубайрдан ривоят қилинади. У киши: “Отам менга: “Мана бу Яманлик киши (яъни, Абу Ҳурайра розияллоху анху)ни мени олдимга олиб келгин, у Росулulloх соллalloху алайҳи васалламдан кўп ҳадис ривоят қилаётган экан”, дедилар. Мен олиб келдим. Абу Ҳурайра ҳадис айта бошлади. Зубайр: “рост, ёлғон”, - дер эди. Мен: “Отажон, “рост, ёлғон” деган сўзларингизнинг маъноси нима?” деб сўрадим. Шунда отам: “Бу ҳадисларни Росулulloх соллalloху алайҳи васалламдан эшитганига шубҳам йўқ, лекин айримлари ичида ўз ўрнига қўйган, айримларини эса йўқ”.**<sup>43</sup>

Юқорида матн тўлиқлигича келтирилганида Абу Раййа келтирган маълумотнинг акси келиб чиқади. Янада тушунарли қилиб айтсак, ҳадисдаги баъзи сўзларни айримлари ўз ўрнига қўйилгани ва айримларини эса ўз ўрнига қўйилмаганини тушуниш мумкин.

Шунга ўхшаш мисоллардан яна бири, ривоят қилинган ҳадислардан ўзига далил бўладиган жойини олиб, қолганини тарк қилган ўринки, бунини Абу Раййа китобининг 192-саҳифасида келтирган: **“Умар розияллоху анху Абу Ҳурайра розияллоху анхуни Баҳрайнга волий қилиб қўйдилар. Сўнгра у (Абу Ҳурайра розияллоху анху)ни омонатга путур етказадиган баъзи бир нарсалар қилгани кулоқларига чалиниб, у кишини ишдан олдилар ва ўрнига бошқа кишини волий этиб тайинладилар. Ана шунда у кишига қаттиқ гапириб, ҳақоратладилар”.**<sup>44</sup>

кейин унга қарам, боқиманда бўлишган”, дея тарифлаган. У 836 йилда Бағдодда вафот этган.

<sup>42</sup>Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис сунна. Дорул Қудус ал Арабий. Қоҳира.2019 йил. В.205

<sup>43</sup> Юқоридаги манба. В.206. Абу Ҳайсама “Тарих” китобида. Ибн Асокир “Тарих Димашқ” китобида келтирган.

<sup>44</sup>Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис сунна. Дорул Қудус ал Арабий. Қоҳира.2019 йил. В.206.



Ҳақиқат юзага чиқиши учун муаллиф келтирган қиссани асл манбасига йўллаб қўйиш ва шу сабабли ҳақиқатни юзага чиқариш мақсадга мувофиқдир. Зеро, нарсалардаги ҳақиқатни билиш учун у муқояса қилинади ва ҳақиқатига етиб борилади. Саҳобаларнинг тарихи борасида энг ишончли манбалардан бири “Ал Исоба” китобида келган қиссани эътиборингизга ҳавола қиламиз: “**Абдурраззоқ бизга Маъмардан, у киши Айюбдан, у киши эса ибн Сириндан ривоят қилиб айтадиларки: Умар розияллоҳу анҳу Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуни Баҳрайнга волий этиб тайинладилар. У киши ўн минг олиб келдилар. Шунда Умар: “Бу пулларни қўлга киритибсан, хўш, қаердан олдинг буларни?”**, дедилар. У киши: “**Отлар туғиб кўпайди, кетма-кет ҳадялар келди, яна ўзимга тегишли қулларнинг солиғини тўпладим**”. Шунда Умар уларга қарадилар ва қандай айтган бўлсалар худди шу ҳолатда топдилар. Сўнг Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуни чақириб, яна волийлик қилишларини таклиф қилганларида, у киши бош тортди. Шунда Умар: “**Ахир сендан кўра яхшироқ бўлган киши (яъни Юсуф алайҳис салом) мансабга ўтиришни талаб қилганку?!**», деганларида, Абу Ҳурайра: “**У киши Юсуф ибн Набийюллоҳ ибн Набийюллоҳ эди, мен эса Абу Ҳурайра ибн Умайман. Мен уч нарсдан кўрқаман: “Илмсиз гапириб қўйишдан, нотўғри ҳукм чиқариб қўйишдан ва белимга урилиб, обрўйим поймол қилиниб, бор-будимни йўқотишдан”**”, - дедилар.

Ҳофиз Ибн Касир “Бидоя”да худди шу қиссани зикр қилиб, ортидан: Умар биринчи бор волийлиги вақтида ўн икки минг зиммасига юклаган. Шу сабабли иккинчи марта волийликдан бош тортгани ҳақидаги бошқа бир ҳикояни келтирганлар.<sup>45</sup>

Абдурраззоқдан қилинган бу ривоятида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу нисбатан бўҳтон эмас, балки мақтов бор. Шунингдек, кишиларни таржимаи ҳоли бўйича чуқур илм эгаларидан бўлган икки буюк имом (Имом Бухорий ва имом Муслим) ҳам ўзларининг китобларида Абу Ҳурайрадан ҳадис ривоят қилишга иттифоқ қилишган. Шояд Ибн Касир бошқа ривоят келтиришига қараганда, у киши тухмат ривоятга рози бўлмаган. Қолаверса, Абдурраззоқ буюк имомлардан. Унинг ривояти Ибн Касир берган маълумотлардан кўра эътиборли саналади.

Бундан ташқари, Умар розияллоҳу анҳу Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ҳақларида худди муаллиф айтганидек гумонда бўлганида, унга иккинчи мартаба волийликни таклиф қилар эдими?! Форуқнинг сифати ва волийларга нисбатан у кишининг қаттиққўл эканликлари ҳаммага маълум эмасми? Бу билан бизга Абдурраззоқнинг ривояти ишонил лозим бўлган ривоятлардан экани равшан бўлади.

Китобининг 163-бетида келтирган қуйидаги ривояти ҳам шулар жумласидандир: “Умар розияллоҳу анҳу Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу: “Эй Абу Ҳурайра, кўп ривоят қилиб юбордингку! Расулуллоҳга ёлғон гапираётган бўлишинг

<sup>45</sup>Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис сунна. Дорул Қудус ал Арабий. Қоҳира.2019 йил. В.207.





хеч гап эмас!” деди ва агар Расулуллоҳдан ҳадис айтишни қўймаса, ўз юртига сургун қилиб юборишини айтди: “Ё Расулуллоҳдан ҳадис айтишни қўясан, ё сени Давс ерига жўнатиб юбораман!”<sup>46</sup>

Бунга жавобан Муҳаммад Абу Шаҳба шундай дейди: “Ишончли китобларнинг биронтасида Умар уни ёлғонда айблагани ҳақида топа олмадим. Фақат муаллиф буни бадий китоблар ёки шунга ўхшаш нарсалардан топган бўлиши мумкин ёки хаёлий тасаввурлари маҳсулидан олгандир. Ундан ташқари, Умарнинг Абу Ҳурайрани Давс ерига сургун қиламан деган таҳдидидан уни ёлғончиликда айблаётганининг ҳиди ҳам келмайди! Балки бу эҳтиёткорлик ва қаттиққўлликдан бошқа нарса эмас. Зеро, кўп ҳадис ривоят қилган одамдан хато ва камчиликлар кутилиши табиийдир. Ҳазрати Форуқ ҳадис ривоят қилишда қаттиқ эҳтиёткор экани эса барчага маълум.”<sup>47</sup>

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳадид сураси, 10-оят. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Қуръони карим ўзбекча маънолари таржимаси. Туркия диёнат ишлари бошқармаси. Истанбул. 2017. Б-338.
2. Бақара сураси, 143-оят. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Қуръони карим ўзбекча маънолари таржимаси. Туркия диёнат ишлари бошқармаси. Истанбул. 2017. Б-15.
3. Оли Имрон сураси, 110-оят. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Қуръони карим ўзбекча маънолари таржимаси. Туркия диёнат ишлари бошқармаси. Истанбул. 2017. Б-38.
4. Имом Термизий. Суан Термизий. 4234 рақамли ҳасан саҳиҳ ҳадис. 2000. Б-255
5. Имом Бағавий “Ҳадис Али ибн Жаъд” китобида зикр қилган. 2005 йил. Б-56-27
6. Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис сунна. Дорул Қудус ал Арабий. Қоҳира.2019 йил. Б.202.
7. Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис сунна. Дорул Қудус ал Арабий. Қоҳира.2019 йил. Б.202.
8. Абу Зуръа Димашқий “Тарих”да келтирган.
9. Муҳаммад Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис суннат. Ихё турос ал исламий. Қоҳира. 2019.
10. Шайх Муҳаммад Аввома. Фақиҳ имомлар ихтилофида ҳадиси шарифнинг ўрни. Таржимон Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф рх. Ҳилол. Тошкент.2018.

<sup>46</sup>Абу Зуръа Димашқий “Тарих”да келтирган.

<sup>47</sup>Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис сунна. Дорул Қудус ал Арабий. Қоҳира.2019 йил. Б.208.



11. Абдулфаттоҳ Абу Ғудда. Саҳифалар. Ғафур Ғулом. Тошкент. 2020 йил.
12. Усмонхон Алимов. Ҳадис ва суннат асари.
13. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий. Саҳиҳ ал Бухорий. Мактабатул асрийя. Байрут. 2018. Б-8.
14. Абу Бакр Аҳмад ибн Хусайн ибн Али ал Байхақий. Сунан ал кубро. Доиратул Маориф. Ҳиндистон-Ҳайдаробод. 1344х. Б-1/34 ва
15. Имом Жалолоддин Суютий. Аддуррул Мансур. Дорул фикр. Байрут. 1993. Б-1/278
16. Олимихон Исахон ўғли. Мабрур ҳаж мукофоти жаннатдир. Имом Бухорий халқаро маркази. Тошкент 2016. Б-20/45
17. Умар ибн Абдуллоҳ ибн Отиқ ал Ҳарабий. Шарҳ Усул ас Сунна лил Имом Аҳмад. Дорул фикр. Байрут. 1993. Б-1/278
18. Муҳаммад Амин Шанқитий. Азваул баён фий ийзоҳил баён. Дорул фикр матбааси. Байрут. 1995 йил. Б-1-50
19. Доктор Муҳаммад ибн Матор. Тадвин ас сунна ан набавийя. Дорул ҳижра матбааси. Саудия Арабистони. 1996 йил. 1993. Б-70-78
20. Вазоратул авқоф ваш шуъунил исламия. Ал Мавсуъатил фикҳийя. Дорус салосил. Кувайт. 1427 ҳижрий сана. Б-18-27
21. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Шамсиддин Қуртубий. Ал Жомеъ лиаҳкамил Қуръан. Дор Олам ал кутуб. Риёз. 2003. Б-55-78
22. Шубухат ал Қуръания хавла суннати Набавия. Устоз, Доктор Маҳмуд Муҳаммад Мазруъа. Мажмаъ ал Малик Фаҳд. Саъудия Арабистони. 2000. Б-111-127
23. Имом Бухорий. Саҳиҳ Бухорий. Дор Ибн Касийр. Байрут. 1987. Б-15-27
24. Имом Термизий. Сунан Термизий. Вазоратул авқоф. Миср. 1993. Б-212-278
25. Ибн Касир. Тафсир ал Қуръон ал Азим. Дор ат Тоййиба. Мажмаъ ал Малик Фаҳд. Саъудия Арабистони. 2005. Б-12-78
26. Имом Суютий. Таҳзирул ховосс мин аказибил қисос. Ал Мактабул Исламий нашриёти. Байрут 1974. Б-121-278
27. Имом Доримий. Сунан Доримий. Жамъийя макнизул ислам. Қоҳира. 2018. Б-27-81